



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 23 март, № 56 (4971) Сешанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 22 март куни Оқсаройда Уммон Султонлиги савдо ва саноат вазири Мақбул бин Али бин Султонни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар илчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Президент Ислон Каримовнинг Уммон Султонлигига 2009 йил октябрь ойидаги давлат ташрифи икки томонлама ҳам-

корликни янги поғонага олиб чиқди. Ушбу ташриф асосида йиғирмага яқин ҳужжат имзоланиб, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди ва ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун катта имкониятлар яратилди.

Уммон делегациясининг мамлакат ишбилармонлари иштирокида бизнес-форум ўтказиш режалаштирилган. Бизнес-форум ўзаро манfaatли ҳамкорликни янада фаоллаштириш, Ўзбекистон ва Уммоннинг сармоввий саноатининг билан яқиндан танишиш, биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин бўлган янги лойиҳалар юзасидан фикр алмашиш учун

қулай имкониятдир. Уммон ишбилармонлари "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасига катта қизиқиш билан қарамокда.

Оқсаройдаги учрашувда Мақбул бин Али бин Султон самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Уммон Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳаларда

(Ў.А.)
Сарвар ҲАМИДОВ
олган суратлар.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Илгор гоё ва ташаббуслар самараси

ТОШКЕНТ. Ёшлар ижод саройида иқтидорли йигит-қизларнинг инновацион лойиҳалари ва ишланмаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Намунавий лойиҳалар асосида

Шаҳардаги шарт-шароитлардан қолишмайдиган ушбу муҳташам уйлари бунёд этиш учун 1,4 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

Жорий йилда вилоятда бу борадаги ишлар давом эттирилиб, қишлоқларда яна 540 та муҳташам уй-жой фойдаланишга топширилади.

Корхона фаолияти кенгайтири

Бунинг учун 1 миллион АҚШ доллари миқдоридида хорж инвестицияси жалб этилиб, ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилди.

150 киши меҳнат қилаётган корхонада ўтган икки ярим ой мобайнида салкам 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ёш тадқиқотчи — грант соҳиби

Куни кеча унинг ярмаркада намоиш этилган "Қуёш энергиясини электр энергиясига ўзгартирувчи қурилма"си БМТнинг Глобал Экологик жамғармаси грантига сазовор бўлди.

Ички бозорда янги маҳсулот

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 1,5 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. 17 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада ойига ўртача 10 минг донагача компьютер эҳтиёт қисмлари тайёрланмоқда.

Фарзанд камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзусидир. Мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида ёшлар тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, барча куч ва имкониятлар ишга солинаётгани ана шундай эзгу орзу-ниятларнинг рўёбга чиқишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди.

ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК МАКТАБИ

Масалан, эртамиз эгаларини жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, Ватанга сардорлик, фидойи, жасур ва мард инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи миллий армиямиздаги ислохотларни олайлик. Утган давр мобайнида Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шаклланди.

Аскар уйига қайтди

дан қасамд қилади, шунга содиқ бўлишга сўз беради. Қўламан таровати қалбларга ўзгача илиқлик олиб келган айни кунларда муддатли ҳарбий хизматнинг белги-ланган муддатларини муваффақиятли ўтаб, яна ўз яқинлари бағрига қайтган ана шундай содиқ фарзандлар уйда бугун ўзгача хурсандчилик, шоду хуррамлик. Ота-оналарнинг қувончини айтмайсизми? Ахир бу уларнинг ҳаётидаги энг нуқулмас кун-да. Файзли дастурхон атрофида тўпланган ака-сингиллар, қариндош-уруғ, ёру биродарлар аскар йигитнинг ушбу вақт ичида армияда кўрганлари, ўрганганларини ҳавас билан тинглашмоқда.

ОТБнинг Тожикистон бўйича баёноти

Душанбе. 20 март. "Азия-Плюс" Осие тараққиёт банки (ОТБ) баёнотини тарқатди. Унда банк ОТБнинг Марказий ва Фарбий Осие бўйича департаменти бош директори Хуан Миранданинг Тожикистон Республикасига ташрифи бўйича баъзи хабарларга ойдинлик киритиш истагида эканлиги ҳақида сўз боради.

ҚАЛБЛАРДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Боготлик Шарифа момо Дўсқонова бу йил 106 баҳорни қаршиламоқда. Президентимиз Фармонига мувофиқ "Шухрат" медали билан тақдирланган. Олти нафар фарзанди, 26 та набираси, 45 нафар эвараси атрофида парвона. Саломатлигидан кўнгли тўқ. Буларнинг барчаси юртимиз, хонадонимиз, маҳалла-қўй оқсоғишталлиги, турмушимиз фаровонлигидан.

Онахон билан дилдан суҳбатлашдик. Фикрлари тиник, шундай кунларга етказгани учун шуқрона айтди.

Мана, яна юртга қўқла бу айём умум-халқ байрами сифатида нишонланапти. Истасангиз, сумалак пиширасиз, базму шодийна уюштирасиз, фазалу лапарлар, баҳру байтлар айти-

лади, кую қўшиқлар янграйди, ёшлар сайилга чиқади...

Аслида, халқимизнинг барча урф-одатлари, қадриятларида табаррук ёшдаги мўътабар инсоннинг дуолари, албатта, мустажоб бўлгусидир.

Шукрона

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШОДЛИК КҲЙИ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Наврўз юртимизда меҳр-оқибат, эзгулик айёми сифатида кенг нишонланиши билан ҳам қадрлидир. Ана шу қутлуг байрам баҳона меҳр-муруватга, юракдан айтилгучи хуш каломга муштоқ кўнглиларни шод айлашдек савобли юмушга бел боғлаш истагимиз янада кучади.

Бундай гўзал одат фақат бизнинг элгагина хос ва ушбу хислатимиз билан ҳар қанча фархлансак арзийди. Яна бир ибрат бўлса арзигулик жиҳат борки, у улғ аждодлардан мерос анъана — яратувчилик ва бунёдкорлик амалларимиздир. Зеро, биз, ўзбек халқи ҳар бир байрамни, тўю тантанани обод ва гўзал юртда, кўтаринки кайфиятда қутиб олишга одатланганми. Айни дамда эса юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, ободликка юз тутган шаҳару қишлоқлар жамолдан баҳраманд бўласиз. Ҳашаматли бинолар, муҳташам иншоотлар, боғу хиёбонлар, кўкаламзор

гўшалар баҳридинлигини очади. Булар ижодкор қалбини илҳомбахш хисларга ошно этмаслиги мумкин эмас. Шундай фаровон кунларда, она-юртда байрам шукҳи кезиб юрган саодатли дамда "Баҳорим келди", "Орда байрам шукҳи кезиб юрган саодатли дамда қўнғимдан кечаётган ёқимли хисларни қўйга солгим келаверади. Азиз юртдошларимга тилагим ҳам шу — ҳаммиса, ҳар дам шодлик тароналари ҳамроҳингиз бўлсин! Қалбингиз муҳаббатга, гўзалликка, эзгу хисларга ошно бўлсин!

Ифтихор

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.

адолат туйиби туради, дея беҳиз айтишмаган доноларимиз. Шукҳи, юртимизда, халқимизда бундай эзгу хислатлар бисёр. Шу сабаб Ватанимиз гуллаб-яшнаб бораёпти, шаҳару қишлоқлар обод. Ёшларимиз қўлини қаерга узатса, етди. Онахон хайрлашишимиз олдинда узоқ дуо қилди. Ҳаётимизни ёмон кўзлардан асраганини Яратгандан сўрадилар. Шундай табаррук ёшдаги мўътабар инсоннинг дуолари, албатта, мустажоб бўлгусидир.

Ойбек РАҲИМОВ

«Халқ сўзи» мухбири.



ОТБнинг Тожикистон бўйича баёноти

директори жаноб Хуан Миранда яқинда Тожикистонга ташрифи чоғида айтган деб кўрсатилган матбуот хабарларига ойдинлик киритиб қўйишни истади, — дейилади хабарда. — ОТБ Тожикистоннинг энергия хавфсизлиги, энергия самардорлиги ва энергия савдосини яқинлаш буйича сиёсатини қўллаб-қувватлайди ҳамда бу Марказий Осие минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастурининг энергетик кун тартибига ҳам мувофиқ келади.

Рогун ГЭСи борасида ОТБ Тожикистон ҳукуматининг зарурий техник-иқтисодий асослаш ва экологик баҳолашни қатъий равишда халқаро илғор тажриба ҳамда андозаларга биноан, жумладан, қўшни мамлакатлар билан маслаҳатлашган ҳолда ўтказиш хоҳишини маъқуллайди.

ОТБ бу тадқиқотлар минтақадagi барча мамлакатлар билан олдиндан маслаҳатлашилган ҳолда олиб борилса, уларнинг ишончилиги ва мақбуллиги янада юқорирак бўлиши таъкидлайди.

Х. Миранданинг Тожикистон Республикасига ташрифи жорий йилнинг 15-16 март кунлари бўлиб ўтди. Давлат раҳбари матбуот хизмати маълумотига қўра, Тожикистон Республикаси президенти Имомали Раҳмон билан учрашув чоғида Х. Миранда ОТБ Тожикистон ҳукуматининг Рогун ГЭСи қурилишига асосланган энергетика сиёсатини маъқуллашини ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқчи эканлигини билдирган.

(Давоми 2-бетда).

Манба: «Азия-Плюс» АА.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида икки палатали парламентнинг ўтган даврдаги фаолиятига баҳо бериб, парламентнинг аввалги тарихи маълум бўлган илғимий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишига катта ҳисса қўшганлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, парламентнинг профессионал орган сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қўйи палатаси ҳамда минтақаларимизнинг маффаатларини тўлиқ эса эътирдиган юқори палатаси — Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар муваффақиятли ҳал этилганлигини ҳам айтиб ўтди.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ИСЛОХОТЛАР

Жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этади

Зеро, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва асослиги тубдан яхшиланди. Умум-давлат ва минтақавий маффаатлар ўртасидаги муносоаблик ҳамда уйғунлик янада самарали кечмоқда. Сийёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ошди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва иқтисодий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини изчил ислоҳ этиш ҳамда либераллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини мустақамлаш ва ривожлантириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суяртаётган билан ривожланишига маълум ижобий таъсир кўрсатди.

институтини ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилди ва ҳоказо. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари парламентимиз фаолиятини янада кўриваришга қаратилган қонунчиликлар ва нуксонлар, фойдаланилмаган имкониятлар, эътибордан четда қолган масалалар, унинг олдида турган энг муҳим вазифалар ҳақида ҳам тўхталди ўтди. Жумладан, парламентнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, иқтисодий-сиёсий ислохотлар жараённинг талаблари билан ўзвий боғлиқ бўлган, узок истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга амалиёт асослиги таъкид қилинди. Қўшма мажлисида яна таъкидландики, иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланиётган ислохотларни амалга ошириш учун ҳаётини зарур қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқиди ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпуси сусташлик қилмоқда. Айни шу йўналишда етарлиқ фаоллик кўрсатилаётган, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Аксарият ўринларда қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмлар мавжуд эмас. Қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиё-

тини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклидан сўз фойдаланилмоқда ва ҳоказо. Бу камчиликлар маълум маънода, бизнинг кўмитамизга ҳам бевосита қаралмоқда. Президентимиз билдирган бу танқиддан кўмитамиз тўғри хулоса чиқарган ҳолда,

Мушоҳада

фаолиятимизнинг асосий йўналишларини аниқлаштириб олдиқ. Бунга давлат ва жамият қурилиши масаласида бошқа қонунчилик ташаббуси субъектлари билан узок истиқболга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилганини мисол сифатида келтириш мумкин. Ҳозир айнан шу йўналишда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини янги тахрирда қабул қилиш режалаштирилмоқда. Унга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида, турлари, ўзаро нисбати ва ишлаб чиқиш тартибини белгилаш, уларни ижро этишни ташкил қилишга қўйилаётган асосий талабларни белгилаш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, кўмитамизда Баркамол авлод йили муносабати билан вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизимини мустақамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу тўғрисида биз бошқаруви туғрисида кўмитамизда ҳаётда ота-онаси ёки уларнинг ўрини босувчи шахслар-

нинг қузатувисиз кўнгилочар масканларда ҳозир бўлишига йўл қўймаслик, бу борада шу масалага дахлдор шахс ва субъектларнинг масъулиятини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда бошқа қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда ҳам фойдаланилаётганлигини ҳам айтиб ўтди.

Шу кераклиги айтиб ўтилди. Шу боис республикамизнинг айрим ҳудудларида "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш тўғрисида"ги, "Адвокатура тўғрисида"ги ва "Адвокат ва адвокатлик фаолияти қарорлари тўғрисида"ги ҳамда "Суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларининг ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг жойлардаги ижросини ўрганиши кўмита ўз олдида мақсад қилиб қўйди. Шунингдек, биз ижро ҳокимияти томонидан қонунларнинг марказда ва жойларда қандай амалга оширилиши устидан парламент, депутатлик назоратини такомиллаштиришга ҳаракат қиламиз. Давлат тармоқлари раҳбарларининг ўз соҳалари бўйича қонунчилик ҳужжатларини ижроси ҳақидаги ҳисоботларини эшитиш парламентдаги кундалиқ фаолиятимизнинг муҳим шакли бўлиб қолишини режалаштирмоқдамиз.

Суд-ҳуқуқ ислохотларини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш масаласи ҳам кўмитамизнинг доимий эътиборида бўлади. Қолаверса, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик иштирокида жойларда турли тадбирларни амалга ошириш ниятимиз бор.

Қонунчилик палатаси депутатларнинг касбий маҳоратларини юксалтириш бўйича ҳам катта ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш, депутатлар томонидан қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан фойдаланиш мавзусида семинар-тренинг, давра суҳбатлари ва конференциялар ўтказиш, қонун ижодкорлиги техникасининг замонавий усуллари ўргатувчи ўқималарни ташкил этиш каби масалалар ҳам олдинда турган ва яқин орада ҳал этилиши керак бўлган вазифалар сирасига кириди.

Шунингдек, депутатларимизнинг сайлов округларидаги ишларини тубдан яхшилашга доир тадбирлар ўтказиш ҳам галдаги вазифалар режасидан ўрин олган.

Собиржон ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси.

ИЛҒОР ҒОЯ ВА ТАШАБУСЛАР САМАРАСИ

бери М. Каримов, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси К. Бекназаров ва бошқалар Президентимиз Исроҳ Каримов раҳнамоларида юртимизда ёш авлоднинг баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг энг орзу-интилишларини рўйга чиқариш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Илм-фаннинг турли соҳаларини изчил равишда таълим олишни, ёш олимлар ва иқтидорли талабаларга ҳар томонлама имконият яратиш, илмий ишланмаларни, илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишга яқиндан кўмаклашиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган "Келажак овози" кўрик-танлов ёшларнинг ўз истеъдодини намойиш этишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

2009 йилда бўлган иккинчи танловда олтинчи ўн минг нафардан зиёд иқтидорли йигит-қиз турли номинациялар бўйича ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди. Иккинчи беллашувнинг ахборот коммуникация ва технологиялари, рационализиш тарихи фаолиятини мувофикаштириб бориш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид режалар белгилаб олинди.

Давра суҳбатига фан ва техниканинг турли йўналишларида изланаётган ёшларнинг фаолиятини мувофикаштириб бориш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид режалар белгилаб олинди.

Тадбирда "Келажак овози - 2009" танловининг илмий-техникавий йўналиши юлбалари-га муаллифлик ҳуқуқи, дастурий таъминот ва техника ишланмаларини рўйхатдан ўтказиш бўйича сертификатлар топширилди.

Назакат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ



Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида иқтисодий-тенгбарча тармоқларида, хусусан, энгил саноат тизимида ҳам салмоқли ютуқларга эришилаётди.

Бунда, айниқса, кейинги йилларда замонавий тўқимачилик корхоналари-нинг ишга туширилаётгани, мавжудлари техник ва технология жihatдан модернизация қилинаётгани ўз самарасини бермоқда.

Жиззах вилоятидаги масъулият чекланган жамияти шаклидаги "Forj textile" Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси — шулардан бири. Бу корхона ўтган йили 4 миллион 720 минг АҚШ доллари сармоя эвазига Европа мамлакатларининг энг сўнгги тўқимачилик дастгоҳлари билан жиҳозланган, ишлаб чиқарилаётган сифатли калава ип тўлиқ четга сотилимоқда.

Пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйда ҳам ана шундай савобли юмушга қўл урилди. Қулгўр айём арафасида Меҳрибонлик уйининг собиқ тарбияланувчиси, Тошкент менежмент ва технологиялар касб-ҳунари коллежидан таълим олган

Шажо Ризаева ҳамда Хоразм вилоятида туғилган Расулжон Салавнинг никоҳ тўйлари тантана қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ҳокимият ташки-

МУРУВВАТДАН БАҲРАМАНД ДИЛЛАР

лотлар кўмағида ташкил этилган ушбу кечада келин ва кўвнинг яқинлари, 22-Меҳрибонлик уйи тарбиячилари иштирок этилди.

— Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигидан ҳечқис миннатдоримиз, — дейди Шажо. — Меҳрибонлик уйда беминнат меҳр ва эътибордан баҳраманд ҳолда ўсиб-

Ғамхўрлик

ликнинг ҳам мақсадлари катта. Биз ота-оналар эса ҳаммиса дуода, уларга фақат бахт ва омад тилаймиз.

Насиба опа айтганидек, Жамшиднинг мусика санъати-га қизиқиши, истеъдоди ҳарбий хизмат даврида ҳам кўринибди. У "Ғюнасан, муқаддас Ватан!" рес-

хизматчиларга берилдиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мурдатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган ва ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсияномасини олган фуқаролар республика олий ўқув юртларига ўқишга кир-

ришда тест синовларида тўпламдан энг кўп баллнинг 25 фоизи микдорига қўшимча балл олиш имкониятига эга. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафарида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликка юксак натижаларга эришган минглаб ёшларимиз таълим олмоқда. Улардан бири Чирноз туманилик Элбек Ҳасановдир.

Элбек айни пайтда Тошкент ахборот технологиялари университетидаги ахборот технологиялари факультетида таълим олмоқда. У тенгқурлари орасида ташаббускорлиги, ташкилотчилиги билан

НИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУҚЛАК МАКТАБИ

ўтагани учун ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсияномаси билан кайтганди. Берилган имтиёздан фойдаланиб, Тошкент давлат аграр университетида ўқишга кирди. Ҳадемай, у ўқишини тамомлайди ва орзу қилган касби билан шуғулланади. Қаранги, унинг ортидан келаётган Жамшиднинг ва Абдумалик ҳам акасига ҳавас қилиб, мурдатли ҳарбий хизматга бораман, деганлариде, ич-ичимдан фахрлангандим. Бугун улар ҳам ишончини оқлади. Жамшид ҳам тавшончи эга бўпти, мусикага қизиқгани учун энди Ўзбекистон давлат консерватория-сига ўқишга кирмоқчи. Абдума-

ликов. — Бизга яратиб берилган шариоитлар — компьютер, маънавият хоналари, кутубхона, ётоқхона... Ҳаммаси ҳавас қилишга арзигулик. Ўқув-мушулот жараёни-ри эса энг сўнгги ҳарбий техника ва технологиялар ёрдамида ўтилади. Буларнинг барчаси аскарларнинг ҳар жихатдан камолга

алоҳида ажралиб туради. Устозлар ҳам кўп остиларида ана шундай иқтидорли йигитнинг тарбияланаётганидан хурсанд.

— Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда "Биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукм-

теллектуал салоҳиятимизни намойиш этиб, Ўзбекистонимизни энг тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшимиз лозим. Чунки ҳозир биздаги шарт-шароитлар хен қандай ривожланган мамлакатдан кам эмас. Асосий гап ташаббускорлигимиз ва интилимиз орқали ана шу ғамхўрликка муносиб жавоб қайтаришда.

Элбек сингари эртанимиз эгаларининг ана шундай эркин фикрлаши, ўз мақсади сари дадил интилиши ҳаммамизни хурсанд қилади. Шубҳасиз, бундай соғлом авлодни вояга етказишда армия бекисё ўрин эгалламоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Куларига фуқароларнинг навбатдаги қақуруви ҳамда мурдатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мурдатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бұшатши тўғрисида"ги қарорига асосан, жойларда мурдатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган аскарларни кутиб олиш маросимлари давом этмоқда.

Шажоқ ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОАВ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ТАКОМИЛЛАШАДИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг кенгайтирилган ййгилиши бўлиб ўтди.

У "ОАВ соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш: сифат ва самардорликни ошириш бўйича долзарб вазифалар" мавзусига бағишланди. Ййгилишида депутатлар, давлат бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Ахборот-коммуникация соҳасининг жадал ривожланиши ҳамда глобал ва маҳаллий медиамақонда янги йўналишлар вужудга келганлигини ҳисобга олган ҳолда, аввало, мавжуд қонунчиликни тизимли ўрганиш ва мониторинг ўтказиш ҳақида фикрлар билдирилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш ҳамда бунинг учун соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ташаббусларини амалга оширишда алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, ййгилишда сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари вакиллари ҳам ушбу масалада ўз нуқтаи назарларини баён этишди.

Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзолари ўз нуқтаи назарларини ОАВни либераллаштириш ва уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратишга бўлса, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзолари ОАВни либераллаштириш билан бир қаторда ёшларимизни "оммавий маданият" таъсиридан асраш ҳамда журналистларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш муҳимлигини кайд этишди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзолари эса ахборот тарқатишда ижтимоий тенглик таъминлаш тизимини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини айтиб ўтишди.

Дарҳақиқат, Ўртбошимиз маърузаларида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб айтиш жоизки, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустақамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий механизмларни яратиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу боис ййгилиш иштирокчилари ОАВ соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун устуворлик ва ҳуқуқий ҳимоя масалалари ахборот тарқатишда ижтимоий тенглик таъминлаш тизимини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини айтиб ўтишди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзолари асосий эътиборни ОАВ соҳасида давлат сектори устуворлигига эришиш ва шу орқали фуқароларни ишончи ахборотлар билан таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш зарурлигига қаратдилар. Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари эса миллий ОАВда экологик жараёнларни ёритишда маҳсус квоталар ажратиш лозимлигини билдиришди.

Муҳокама қилинди. Хусусан, бўлажак журналистларнинг олий ўқув юртларидаги тайёргарлигини яхшилаш, ОАВ ходимларининг замонавий ахборот технологияларида фойдаланишлари учун семинар ва тренинглари ўтказиш ҳамда шу орқали журналистлар корпусининг касб маҳоратини ошириш зарурлиги таъкидланди. Эътироф этиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, уларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашдаги фаолиятини кучайтиришга қаратилган ўнга

Муҳокама қилинди. Хусусан, бўлажак журналистларнинг олий ўқув юртларидаги тайёргарлигини яхшилаш, ОАВ ходимларининг замонавий ахборот технологияларида фойдаланишлари учун семинар ва тренинглари ўтказиш ҳамда шу орқали журналистлар корпусининг касб маҳоратини ошириш зарурлиги таъкидланди. Эътироф этиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, уларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашдаги фаолиятини кучайтиришга қаратилган ўнга

Бандлик — фаровонлик омили

Марҳамат тумани Бандликка кўмаклашувчи маркази томонидан навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Эътиборли томони, мазкур тадбирда тумандаги бир қатор корхона-лар бўш иш ўринларини тақлиф этиш билан бирга, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўрғазмасини ҳам ташкил қилди. Ярмарка якунига кўра, 84 кишига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди. Таъкидлаш лозимки, ўтган йили вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 26 минг 612 та янги иш ўрни яратилди.

Яхши хабар

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



«Ўзпахтасаноат»

уюшмаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бирлашмалари, тизимнинг пахтани қайта ишлаш корхоналари жамоалари

*Ватанимизда баҳор нафаси
уфурётган айни шу дамларда
барча юртдошларимизни*

Наврўзи олам

билан муборакбод этади!

*Яшариш ва эзгулик фасли қутлуғ
келиб, барчангизга бахт-саодат,
хотиржамлик улашсин!*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

ХАЛҚ БАНКИ

*эзгулик ва боқий
анъаналар элчиси —*

НАВРЎЗ

*байрами муносабати
билан мамлакатимизнинг
барча фуқароларини қизгин
табриклайди.*

*Эл-юрт фаровонлиги йўлида
астойдил меҳнат қилаётган
юртдошларимизга улкан
муваффақиятлар ёр бўлсин!*



Хизматлар лицензияланган. Лиц. № 25. 25.01.2003.

**Шодиёна кунлари
сиз учун манфаатли
шартларга асосланган
янги**

«Кўклам-2»

ютуқли омонатини таклиф этади.

«Кўклам-2» омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида 100 000 (бир юз минг) сўм миқдоридан нақд пулда 2010 йил 1 апрелга қадар қабул қилинади.

Мазкур омонатга фоиз даромади тўланиши билан бирга ютуқлар тиражи ўтказилиб, ютуқлар тиражи 2010 йил апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилади. Ютуқлар тиражидида «Матиз» автомобили, телевизор, кир ювиш машинаси ва электр дазмол каби буюм ҳамда пул ютуқлари ўйналади.

ЯРАТИЛГАН ИМКОНияТЛАрдАН УНУМЛИ ФойДАЛаниНГ!

Аҳоли омонатлари дахлсизлиги давлат томонидан қафолатланган!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 150-12-91.

SAVDOGAR BANK

Муҳтарам юртдошлар!

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ

«САВДОГАР»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

*мамлакатимиз аҳли даромадларини улар манфаатларига
мос равишда ошириш мақсадида ўзининг қуйидаги омонат
турларини таклиф этади:*

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА

«Наврўз» муддатли омонати —
йиллик 14%, муддати — 3 ой.

«Навбахор» муддатли омонати —
йиллик 14%, муддати — 3 ой, 6 ой, 12 ой.

«Баркамол авлод» муддатли омонати —
йиллик 14%, муддати — 3 ой, 6 ой, 12 ой.

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА

«Комфорт» муддатли омонати —
йиллик 6%, 3 ой муддатга,
минимал миқдори — 1000 АҚШ доллари.

«Универсал» муддатли омонати —
йиллик 6%, 6 ой муддатга,
минимал миқдори — 1000 АҚШ доллари.

«Элит» муддатли омонати —
йиллик 7%, 12 ой муддатга,
минимал миқдори — 1000 АҚШ доллари.


*Мамлакатимиз осмони доимо мусаффо,
юртимиз фаровон бўлсин!*

Сиз, азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй.
Телефонлар: (8-371) 215-50-29, 254-18-65.
Web-site: www.savdogarbank.uz
E-mail: info@savdogarbank.uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

**Даволашда
устувор
муваффақият**



**BAHOR VA
YANGILANISH
BAYRAMI — NAVRO'Z
AYYOMINGIZ BILAN
MUBORAKBOD ETAMIZ.
SIHAT-SALOMATLIK,
FAROVONLIK, BAXT-
SAODAT
VA ULKAN
MUVAFFAQIYATLAR
TILAYMIZ!**

«NOBEL PHARMSANOAT» чет эл корхонаси 2000 йилда Туркиянинг «Nobel Ilac San. ve Tic. A.S.» фирмаси иштирокида ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистонда фармацевтика соҳасида юз фоиз чет эл сармояси асосида фаолият кўрсатаётган дори-дармон воситалари ишлаб чиқарувчи корхонадир.

Бугунги кунда «NOBEL PHARMSANOAT» да 61 турдаги юқори сифатли дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотлари республиканинг етакчи даволаш муассасаларида синоддан ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва зирлиги томонидан қайд этилган, сертификатланган ва ишлаб чиқаришга рухсат берилган.

Хозир корхонада 200 дан зиёд юқори малакали мутахассис меҳнат қилмоқда. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида фаолият кўрсатаётган тиббий вакиллар замонавий маркетинг усулларини қўллаган ҳолда, корхона маҳсулотлари ҳақида шифокорларга ва фармацевтларга атрофлича маълумот бermoқдалар.

Шу билан бирга, «NOBEL PHARMSANOAT» ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиб, мамлакат иқтисодиёти ривожига ўз хиссасини қўшмоқда.

«NOBEL PHARMSANOAT» чет эл корхонаси республика фармацевтика бозорига замонавий дори воситаларини тақдим қилар экан, Ўзбекистон тиббиётига хизмат қилишдан мамнундир ҳамда тиббиётнинг тобора ортиб бораётган талабларига доимо мос фаолият кўрсатиш унинг асосий мақсади дидир.

100060, Ўзбекистон, Тошкент ш.,
Т. Шевченко кўчаси, 23-уй.
Тел.: (+998 71) 256-13-60, 256-13-67.
Факс: (+998 71) 236-01-22.
E-mail: info@nobel.uz
Web-site: www.nobel.uz



Ер юзида фотиҳлик билан ном қозонган шохлар, саркардалар кўп. Улар вақт ўзини бузиб юборишга қодир шиддатлари ва газаблари билан тарих саҳифаларидан жой олганлар. Аммо бу каби фотиҳлар ҳақида сўз кетганда, муаррихлар ҳам, файласуфлар ҳам чуқур ўйга чўмадилар. Холлис баҳо беришга қийналадилар. Шунинг билан бирга, ободликка эътибор қилган, ўз даврида турли халқлар томонидан ҳам жаҳонгир, ҳам бунёдкор дея алқанган улуг сиймолар жуда кўп эмас. Кўҳна мозийда шундай буюк зотлар рўйхатиға, биринчи навбатда, Искандар Мақдуний, Амир Темур, Муҳаммад Тарағай Улугбекнинг номлари киритилган. Агарда зикр этилган икки зот замин жаҳонгирлари саналсалар, Мирзо Улугбек ўз тафаккури билан коинотни забт этган биринчи инсондир.

узоқ-яқин давлатлар билан ўзаро манфаатли халқаро алоқаларни, савдо-сотиқ муносабатларини юқори босқичга кўтарди, пировардида мамлакатнинг бутун Фарб ва Шарқ оламида мавжуд мамлакатлар орасида ҳар бир соҳада пешқадамлигини таъминлашга эришди.

Таассуфки, ўз давридан бир неча асрлар илгарилар кетган буюк зотни ҳаётининг сунгги йилларида ўз нафсини, ўткинчи ҳою ҳавасларини, тор ва биқик дунёқарашини Ватан манфаатидан устун деб билган кимсалар тушунишмади, унинг иходкорлик, яратувчанлик салоҳиятини майда-чуйда иғволарга, фитналарга йўналтирмоқчи бўлдилар...

Умуман олганда, Мирзо Улугбек бир умр коинотга интилиб яшади, шох асари "Зижи Қўрагоний" эса инсониятга Қуёшга, юлдузларга, демалки, тараққийётга, комилликка, эзгуликка интилиб яшашни ўргатди. То ўлимига қадар юртининг келажигига, унинг ўзидан кейин асрлар силсиласида адолат ва тараққийётнинг тамал тошини абадиятга нақшлашга қодир вориси келишига, ҳаммаша осмон сари баланд парвоз қиладиган баркамол авлодлари вояга етишига ишониб, юксак орзуларидан бир лаҳза ҳам воз кечмади.

Бугун биз, 19 йилдири, хуррият қуёши нурларидан тафт олиб, Улугбек орзуларини рўёбга чиқариш учун астойдил меҳнат қилмоқдамиз. Истиқлолимиз меймори бизни тинчлик ва тотуликда асраб, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттиришда ўрнак ва ибрат кўрсатмоқдаки, қўлга киритилган ютуқларимиз шону шуҳрати бугун бугун жаҳонга аён. Биз бебаҳо, тенгсиз йилларда ўзлимизни танидик, истеъдодимизга ишондик, кўнглимизни покладик, Маърифатни, адолатни, инсон манфаатлари ҳамма нарсдан устун бўлган обод ҳамда фаровон жамиятга меҳру муҳаббат ила қалб ҳароратини бериб яшамокдамиз.

«...КИ, ОЛАМ КЎРМАДИ СУЛТОН АНИНГДЕК»

Соҳибқирон 1394 йилнинг март ойларида Ироқдаги Мордин қалъасини камал қилётган, бироқ уни ололмай ҳалак эди. Албатта, вақтни ҳазина деб билган ҳукмдор учун бу бир қадар кўнгилисиз вазият ҳисобланарди. Ана шундай тигиз кўнларнинг бирида, аниқроғи, 22 март куни Султонияда Шохруҳ Мирзонинг рафикаси фарзандли бўлди. Муаррих Шарофуддин Али Яздий "Зафарнома" асарида ёзишча, шу воқеа муносабати билан Амир Темурнинг ҳузурига чопар келиб чақалоқ турилгани, мунажжимлар келгусида тенгсиз олимлик, адолатли ҳукмдорлик қисмати унинг пешонасига битилганини баъшорат қилганлари ҳақида хушхабар етказди. Бундан бениҳоя қувонган Соҳибқирон шу заҳоти Мордин қалъаси қамалини бекор қилиш, унинг аҳолисини барча соҳилардан озод қилиш хуслусида фармон беради. Ўша давр олим-физоллари бундай олий ҳимматдан таъсирланиб, Улугбекнинг туғилишини мутлақо янги давр бошланишидан нишона, деб тахмин қилганлар.

Маълумки, буюк зотларда келажакни кўра билиш ҳисси кучли акс этади. Шу маънода, Амир Темур Улугбек тимсолида мамлакатнинг эртанги кунини кўрган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, Мирзо Улугбек фозила ва оқила аёл, салтанат маликаларининг маликаси Сарой-мулхоним тарбиясига топширилишида ички ҳиссиёт шакллантирган катта ишонч ҳам муқоссам. Тарбият — яхши ният деганларидек, болалиги бобоси билан ҳарбий юришларда ўтганига қарамай, у бувида тарбияси таъсирида кўпроқ илм-фанга, хусусан, математика, астрономия, тарих, адабиётга, жамият ва раият ўртасидаги муноса-

батларга доир билимларга илос қўйиб вояга етди. Таъкидлаш лозимки, Улугбек бобосининг улкан марҳаматлари ва сийловларига сазовор бўлган. Соҳибқирон 1404 йили Кониғилда олти невараси қаторида Улугбекни ҳам уйлантириб қўяди. Тўйда унга Тошкент, Сайрам, Янги, Ашпара ва Мўғулистоннинг то Хитой ҳудудигача бўлган ерлар сўроғол қилиб берилди.

Марвада эса хайрия муассасалари барпо этилади. Мадрасалардаги таълим тизими унинг кўрсатмалари, йўл-йўриқлари асосида тубдан янгиланади. Жумладан, диний илмлар билан бир қаторда дунёвий илмлар кенг ўқитила бошланади, асосий эътибор аниқ фанларга йўналтирилади. Кейинчалик ана шундай мадрасаларнинг бирида адабиётимизнинг даҳо намояндаси

Тарихингдир минг асрлар...

Улугбек бобоси вафотидан кейин зиддиятли қарама-қаршиликларга дуч келади. Фақатгина отаси Шохруҳ Мирзонинг кўмағида 1409 йили Мовароуннахр ҳукмдорлигини эгаллайди. Айнанана шу сана, муаррихларнинг қайд этишича, Соҳибқирон Амир Темур орзуси рўёбга чиққан кун маконида тарих зарварларига олтин саҳифа бўлиб қўшилади.

Алишер Навоий ҳам таҳсил олади. Самарқандда Улугбекнинг бевосита раҳбарлигида ташкил этилган Академияда 200 дан зиёд турли фан йўналишлари бўйича давринг етук олимлари фаолият юритишади. Олий илм даргоҳининг астрономия жаҳасини бевосита унинг ўзи бошқаради. Академия таркибиди муҳандислик кичик ишлаб чиқариш корхоналарида геометрик ўлчагичлар, мунажжимлик асбоблари, тиббиёт ускуналари, қорғоз ва бошқа маҳсулотларни тажриба тариқасида ишлаб чиқариш йўлга қўйлади.

У абадиятга дахлдор табаррук, ниҳоятда эзгу ишларни — Бибиҳоним масжиди, Амир Темур мақбараси, Шохи Зинда ва Регистон мажмуалари қуришларини поёнига етказди. Қўплаб жамоат иншоотлари — карвонсарой, тил, чорсу, ҳаммомлар бунёд этади,

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ улуг алломанинг иззат-ҳурмати жойига қўйилди. Мирзо Улугбекнинг 600 йиллигини 1994 йил дастлаб баҳор фаслида Парижда, сўнг сўлим куз айёмида Самарқандда жаҳон микёсида тантана қилдик. Жумладан, Самарқанддаги Регистон майдонида бўлиб ўтган шодиёнада Президентимиз Ислам Каримов шундай деган эди: "Бугун насл-насабимизни эслаш ва тиклаш замони келган бир даврда, келажакимизни қураётган бир вақтда катта гуруҳ ва ифтихор билан айтишимиз мумкин: бизларнинг томирларимизда Улугбек қони бор, юрагимизда Улугбек руҳи барҳаётдир".

Абдували ҚУТБИДИНОВ.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси



Сизларни Наврўз —

қизиқарлиқ байрам билан салтанатлиқ муборакбод этади.



Шаҳар аҳолиси ҳамда пойтахтимиз меҳмонлари учун қулайликлар яратиш мақсадида уюшма тизимидаги деҳқон бозорлари худудида савдо ярмаркалари ташкил этилган.

Байрам дастурхони учун зарур бўлган кенг турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини харид қилиш имкониятига эгасиз.

Эзгу ниятларингиз амалга ошиб, байрам кайфияти сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!

«AVTOSOZLASH» КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИ

мамлакатимиз аҳлини янгиланиш, яшарин ва эзгулик айёли билан чин қилган муборакбод этади.

Наврўз ҳар бир хонадонга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, оилавий фаровонлик, дастурхонимизга кўт-барока олиб келсин!



Ҳозирги вақтда корхонада мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «Isuzu», «Lasetti», «Captiva» «Erisa» русумли автомобилларга экологик тоза, арзон газ ёнилғиси мосламаси ўрнатилмоқда.

Сизга хизмат кўраётган мамлакатимиз.

Сизнинг таклифномангиз

worldfood 10 years UZBEKISTAN

agroworld 5 years UZBEKISTAN

10-юбилей ўзбек халқаро КЎРГАЗМАСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ва ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ

- ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ
- ОЗИҚ-ОВҚАТ ИНГРЕДИЕНТЛАРИ
- ИЧИМЛИКЛАР
- ҚАДОҚЛАШ УСКУНАЛАРИ
- ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ УСКУНАЛАРИ
- ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ

МАЗКҮР СУРОВНОМАНИ БОСМА ҲАРФЛАР БИЛАН ТУЛДИРИНГ

ФИО / Исм-Шарифингиз _____

Организация / Корхона _____ Должность / Лавозимингиз _____

Адрес / Манзил _____ Тел. _____

Город / Шаҳар _____ Страна / Давлат _____

24-26 март 2010

«Ўзэкспомарказ», Тошкент

Ташкилотчи: www.worldfood.uz www.agro.worldfood.uz www.ite-uzbekistan.uz

Тел.: (+998 71) 113 01 80, факс: (+998 71) 252 51 64, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

236-09-25

ООО "CHIRCHIK HEATING SYSTEMS" ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHIS

ҚОЗОНЛАРИ ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ

Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди

Маҳсулот сертифициланган.

Т/ф.: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08.

E-mail: chts.uz@mail.ru

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгаши меҳнат фахрийси

Баъшорат ая **МИРБОБОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 64025 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;

Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятта келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида териялд ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 22.00

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Орипов.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.

Навбатчи — М. Охунова.

Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

1 2 3 5